

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл овод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2014 йил
15 октябрь
ЧОРШАНБА
№ 83 (12719)

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

1941-1945 йиллардаги уруш ва МЕҲНАТ ФРОНТИ ФАҲРИЙЛАРИНИ ИЖТИМОЙ Қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, тиббий ҳамда санаторий-соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобига уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2015 йилдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари йилга бир марта ўзлари учун маъбул муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси Кенгаши ҳамда республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштириш курсидан ўтиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Белгилаб қўйилсинки, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторий-соғломлаштириш муассасаларига йўланмалар қиймати Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан қопланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2015 йил ва ундан кейинги йиллардаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни параметрларида уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштиришга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси Кенгаши ва "Нуроний" жамғармаси:

бир ҳафта муддатда уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан таъминланадиган Касаба уюмлари федерацияси Кенгашига, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларининг рўйхатини аниқлаштирсинлар;

санаторий-соғломлаштириш муассасаларининг рўйхатини аниқлаштирсинлар;

саларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларда уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг бекаму кўст соғломлаштирилишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси Кенгаши, Ўз қарамоғида санаторий-соғломлаштириш муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюмлар ва йирик корхоналар:

бир ой муддатда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ўз қарамоғидаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, тасдиқласинлар, унда уруш ва меҳнат fronti фахрийлари учун йўланмалар қийматини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни маблағлари ҳисобига белгиланган нархларда тўлаш тартибини назарда тутсинлар;

Низом тасдиқлангандан кейин 10 кун мобайнида уни вазирликлар ва идоралар ҳайъатларида, компаниялар, уюмлар ва йирик корхоналарнинг бошқаруви йиғилишларида кўриб чиқсинлар;

кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 13 октябрь.

2014 йил – Соғлом бола йили

ДАВР ТАЛАБИГА МОС ЖИҲОЗЛАНДИ

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш изчил тус олгани натижасида нафақат мураккаб юқори технологияли тиббий хизмат кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, балки бир-

Жумладан, Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам кейинги йилларда соҳада эришилган янгилик ва ўзгаришлар амалиётга татбиқ этилди. Айниқса, янги-янги бўлимлар очилаётгани аҳоли учун қўллаб-қўлайликлар яратмоқда.

Бугунги кунда ушбу

марказ 135 ўринга эга бўлиб, болаларга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатаёпти. Пульмонология-аллергология, кар-

диоревматология ва неврология, гастроэнтерология-гематология, шошилинч педиатрия ва шошилинч жарроҳлик, анестезиология-реаниматоло-

гия, эрта ёшдаги болалар ва чақалоқлар патологияси, қабул-диагностика бўлимлари ва маслаҳат-ташхис поликлиникасида 348 ходим йилига 18 ёшгача бўлган етти мингдан зиёд болага стационар шароитида хизмат кўрсатмоқда. Маслаҳат-ташхис поликлиникасида йилига 73 мингдан зиёд болага диагностика қилиниб, керакли маслаҳатлар берилмоқда.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Германиянинг KFW банки кредити ва грант маблағлари ҳисобидан 1,24 миллион евро ажратилиб, шундан вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига 815 минг евро берилди. Ҳозиргача 215 минг еврога 28 хил замонавий, юқори технологияли тиббий асбоб-ускуналар келтирилди.

Шунингдек, марказдаги реконструкция ишлари учун 2010 йилда 663 миллион, 2013 йилда 1 миллиард 650 миллион, 2014 йилда 2 миллиард 501 миллион сўм ажратилди. Йилнинг ўтган саккиз ойи давомида қўллаб-қўйиш жиҳозлар, ўрта компьютер, тўртта совутич, 22 та тиббий асбоб-ускуна олинди.

Даврон АҲМАД
олган сурат.



ЭНГ БЕНАЗИР БОЙЛИК

Мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга оид қарор ва дастурлар ижросини таъминлаш бугуннинг энг устувор вазифаларидан биридир.

Давлатимизнинг инсон саломатлиги ҳақида тинимсиз қайғураётганини тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мисо-

лида ҳам кўриш мумкин.

Маълумотларга қараганда, сўнгги 10 йилда вазни меъёрдан кам болалар икки баравардан зиёд камайди,

уларнинг бўйи ўртача 3 сантиметр, умри 7,5 йилга ўсди, аёлларнинг умр кўриши 75 ёшга етди. Оналар ўлими 3,1, гўдаклар ўлими 3,2 баравар камайди. Буларнинг барчаси юртимизда инсон саломатлигига берилётган катта эътибор туфайлидир.

(Давоми 4-бетда).

Эътибор

БИР ЛАҲЗАЛИК ДИЙДОР ҚУВОНЧИ

Газета ижодкорлари учун одамлар даврасида бўлиш, оддий газетхон билан юзма-юз келиб, уларнинг озу-истаклари, таклиф ва мулоҳазалари билан танишишнинг гашти ҳам, ҳаяжони ҳам бошқача бўлади. Бундай латиф учрашувларда одамлар турмуш тарзининг рангини қирраларидан янги мавзулар олинади, ҳаётнинг қувончу ташвишлари билан олиб-югуриб юрган инсонлар тими-солида янги қаҳрамонлар бўй кўрсатади.

Бир неча йилдирки, мамлакатимизнинг етакчи ижтимоий-сиёсий нашрлари – "Халқ сўзи" ва "На родное слово" газеталари тахририяти ходимларидан иборат ижодий гуруҳлар жойларда бўлиб, ўз муштарийлари билан маърифий учрашувлар ташкил

этнода. Саховатли кузининг айна илиқ-иссиқ кунларида, далаларда ҳосил йиғими қизгин давом этаётган шу кезларда табиийки, бундай мулоқотлар энг қайноқ ва самимий давра – пахтакорлар ҳузурда кечади.

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

«WORLD MASS COMMUNICATION» МАМЛАКАТИМИЗ ҲАҚИДА

Яқинда Ҳиндистонда нашр этиладиган "World Mass Communication" журналининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган махсус сони чоп этилди.

Журналнинг асосий мавзуларидан бирини ташкил этган "2014 йил – Ўзбекистонда "Соғлом бола йили" сарлавҳали мақолада мамлакатимизда ёш ончаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, болаларнинг соғлом бўлиб воғна етишлари учун соғлиқни сақлаш, таълим ва спорт муассасаларининг моддий-техник ҳолатини яхшилаш юзасидан ҳаётга таъбиқ этилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар ва улар бераётган салмоқли натижалар атрофида қаламга олинган.

Ҳиндистондаги Сикким университети Ижтимоий фанлар факультетининг декани доктор Навал Пасваннинг "Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо-саноатий алоқалар: имконият ва истиқболлар" сарлавҳали мақоласида сўнгги йиллар давомида икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши жадваллар асосида журналхонларнинг эътиборига ҳавола қилинган.

"Асрга тенг йўл" деб номланган мақолада эса 23 йил мобайнида Ўзбекистоннинг аграр республикадан саноати юксак тараққий этаётган давлатга айланиши ҳақида фикр юритилган. Унда ўтган давр мобайнида мамлакат иқтисодиёти 4,1 баравар, аҳолининг реал даромадла-

ри 8,2 баробар ўсгани, охириги 10 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш кўрсаткичи 8,1 фоиздан кам бўлмагани, шунингдек, юртимизда 9 русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарилаётгани, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси бугун нафақат МДҲ, балки Европа, Осиё ва Яқин Шарқ давлатларида ҳам машҳур экани алоҳида таъкидланади.

Махсус сонда парламент ҳаёти мавзусига ҳам мурожаат этилган. "Ўзбекистонда парламент сайловлари" сарлавҳали мақолада мамлакатимизда жорий йилнинг декабрида бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар, бу борада юртимизда шакллантирилган ҳуқуқий асослар ва сайлов ўтказиш тартиблари ҳақидаги маълумотлар атрофида ўз ифодасини топган.

"Эркин иқтисодий индустриал зоналар" мақоласи бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди, "Жиззах" ва "Ангрен" махсус индустриал зоналарида хорижий тадбиркорлар учун яратилган қулайлик ва катта имкониятлар ҳақида ҳикоя қилади.

"Жаҳон" АА.
Деҳли.

Маҳалламизда Бакир Айтубоев исми отахон яшайди. Очиғи, биз тенги ёшлар яқин-яқингача давраларнинг ўрнида тенгдошлари билан маслаҳаттўй бўлиб юрган бу кишининг қозоқ миллатига мансуб эканини билмас эдик. Отанинг тили билан айтганда, Ўзбекистон – унинг учун ягона Ватан.

ЎЗБЕКИСТОН – БАҒРИ КЕНГ ДИЁР

Бакир ота шу юртда ўсиб-ўлғайди, қадр-қиммат, обрў-эътибор топди, меҳнатлари муносиб тақдирланди. Қирқ йилдан зиёд умрини қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ривожига бағишлаган отахон "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

Яна бир қишлоқдошимиз, татар фарзанди Ноил ота Абдуллин мактабда ўзбек фарзандларига қирқ йил таълим-тарбия берди. Бугун 85 ёшми қаршилаган оқсоқоли ҳамма бирдек устоз деб, алқайди, ҳурмат қилади, давраларнинг тўрига чорлайди.

Таъбир жоиз бўлса, юртимизда шу Ватан, шу элнинг ривожига ва фаровонлиги учун хизмат қилаётган бошқа миллат ва элат вакиллари қўллаб-қўллаб турилади. Улар шундай бағри кенг ўзбек диёрида яшаб, меҳнат қилаётганларидан фархналандилар. Орамизда шундай фидойи ватандошларимизнинг борлиги бизга ҳам ғурур бахш этади. Зеро, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ахил ва иноқ яшаётган юртимиз жаҳон аҳлининг таҳсинига сазовор бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди



ОҚҚ ЎРҒОННИ ЯЁВ КЕЗГАНДА...

Касб тақозоси билан шаҳар ва туманларда хизмат сафарида бўламиз. Улкан бунёдкорлиги аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган қўламли ишларни кўриб қувонамиз. Баъзида эса, арзимаган кўнгли-сизликлар дилини хира қилади...

Яқинда Оққўрғон туманига йўлимиз тушди. Дилхиралик туман ҳокимлиги ҳудудига қирқ километрдан ортиқча масофани босиб ўтдик. Ҳовлининг чап бурчагида асоси бузилган, жўмраги йўқ қувурдан ичимлик суви оқиб-тошиб ётибди. Шуниси қизиқки, ердан чиқиб турган эски қувурга қачонлардир шланг ўрнатилган-у, учини боғлаб,

сув тўхтаб қўйилган. Лекин вақт ўтиб, шланг путурдан кетиб, ёриқларидан сув оқиб, исроф бўлаётди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун кейинги пайтларда бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, С. Сегизбоев қишлоғида каттагина маблаг сарфланиб, қудук қазил-

ди, 800 метр узунликда ичимлик суви қувури тортилди, сув минораси қурилди. Дўстлик қишлоғида 600 метр қувур ётқизибли, қудук тозаланди. Шунингдек, бу ерда ҳам сув минораси ўрнатилиб, аҳоли учун қулайликлар яратилди.

Шу каби хайрли ишларга бош-қош бўлган туман ҳокими мутасаддиларининг наҳотки, шундоққина оёқлари остидаги нохуш манзарага кўзлари тушмаган бўлса? Ахир сувнинг ҳам ҳисоби бор. Лекин бу ерда оқиб

ётган бойликнинг ҳисобини ким юрттаяпти-ю, унинг тўлов хусусида ким бош қотираяпти?..

Ҳокимлик биносига шундай кайфият билан кирганимизда, яна бир ҳолат диққатимизни тортди. Тадбиркорлар учун деворга илиб қўйилган плакатдаги сўзлар ўзбек тили имло қоидаларига тўғри келмайдиган, бир сўз билан айтганда, хатолар билан ёзилган.

(Давоми 3-бетда).

Эътибор

БИР ЛАҲЗАЛИК ДИЙДОР ҚУВОНЧИ



Чиноз туманидаги "Усмон-обод", "Абдураззоқ-Файз Барака", "Абдукарим ота" фермер хўжаликлари пахтазорларида ташкил этилган учрашувлар ҳаяжонли ва завқли лаҳзаларга бой бўлди. Туманда аксарият фермерлар пахта тайёрлаш топширигини аллақачон адо этиб бўлишганга қарамай далаларда ҳосилнинг мўллигидан кўз қувнайди.

Бир пайтлар биров пахтадан 50 центнер ҳосил олинди, деса ҳеч ким ишонмасди, — дейди фермер Абдураззоқ Усмонов. (Давоми. Боши 1-бетда).

— Давлатимизнинг биз, ер эгаларига яратиб бераётган имкониятлари, уруғлик танлашга, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, энг муҳими, меҳнатга муносабатнинг тубдан ўзгариши туфайли бугун шундай натижаларга бемалол эришяпмиз.

Терим отрядлари ҳузурида ташкил этилган маърифий кеча кўпчилигининг ёдида қолса,



ажабмас. "Халқ сўзи" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Шухрат Жабборов тахририятда шакланган ижодий муҳит, устоз-шогирдлик аъёнлари, жамоатчилик билан ишлаш тажрибалари, шунингдек, келгуси ре-

жалар ҳақида гапириб берди. Тадбирда сўз олган республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Махмуд Назаров ва бошқалар газета ва газетхон муносабатларида доир самимий фикрлар билдиришди. Чиноз тумани маданият бўлими хонандлари ва

Оқўрғон туманидаги "Зомин" фермер хўжалиги далаларида кечган мулоқотлар ҳам самимий руҳда ўтди. Фермер хўжалиги раҳбари Собир Норматов "Ҳали биринчи терим ўтказилмаган далаларимиз бор", деб қолди. Шу далаларни кўриб, бу йил вилоятимизда чиндан ҳам мўл ҳосил етиштирилганига ишонч ҳосил қилдик. Бу ерда ҳар куни ўртача 60-70 килограммдан пахта тераётганларга ҳам тахририятнинг совғалари тортиқ этилди.

Куйи Чирчиқ, Оқори Чирчиқ туманлари пахтакорлари ҳузурида ўтган учрашувларда газетхонлар билан дилдан суҳбат қурилди.

Теримчилар меҳнатига ўз вақтида ҳақ тўланаётгани, йигим-теримда намуна кўрсатаётганлар терим пулидан ташқари, қўшимча рағбатлантирилаётгани мавсумга унум ва суръат бахш этмоқда, — дейди Куйи Чирчиқ тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Кифоят Эрмухамедова. — Севимли газетамиз тақдими этган совғалар ҳам пахтакорларимиз кўнглини тоғдек кўтарди.

Шундай тадбирларни Бекобод, Бўка, Пискент ва Ўрта Чирчиқ туманларида ҳам ташкил этиш режалаштирилган.


Қўбилжон ҒОҲУРОВ
олган суратлар.

Пахта — 2014

ДАЛА БОШИДА ХИЗМАТ КўРСАТИЛАЯПТИ

Куйи Чирчиқ туманидаги 317 фермер хўжалиги бу йил 14 минг 70 гектарда пахтанинг маҳаллий иқлимга мос, серҳосил ва эртапишар навларини парваришладди. Ҳозир кундан-кунга юксалиб бораётган туман пахта хирмони шартномадаги 37 минг 300 тоннага яқинлашиб бормоқда.

Айни кунларда туман пахтазорларида йигим-терим қизғин давом этмоқда. Мақсад — қузнинг совуқ ва қировли кунлари бошланмасдан ҳосилни саранжомлаб олиш. Бунда мавсумнинг отряд усулида ташкил этилгани, теримчиларга барча қулайликлар дала бошида яратилгани ва терим пуллари узлуксиз бериб борилаётгани кўл келмоқда.



— Деҳқоннинг бир йиллик меҳнатини қузнинг беқарор об-ҳавоси йўққа чиқармаслиги керак, — дейди "Дўстобод Агротехсервис" МТП раҳбари Нодир Холхўжаев. — Шу боис, 30 та ХНП — 1.08 русумли пахта териш машиналаримиз узлуксиз ишлашини таъминлаяпмиз. Комбайнча ва машиналарга кўрсатиладиган бар-

ча хизматларни дала бошига кўчирганмиз. Туман пахта хирмонининг жадал юксалишига йиғитили Назаров, Абдуғаффор Оқил, Алишер Назиров ва Садир Умаралиев сингари илғор комбайнчилар муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ.
Даврон АХМАД
олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бекобод туманидаги Далварзин маиший касб-хунар коллежиде "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Туман прокуратураси ташаббуси билан уюштирилган ярмаркада 7 та касб-хунар коллежларининг 200 нафардан зиёд битирувчилари иштирок этдилар.

ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛИШДИ

Ёш хунар эгаларининг бандлигини таъминлаш мақсадида ўтказилган меҳнат бозорига 25 та корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари 225 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ўзларига маъқул келган касбларни танлаш имкониятидан фойдаланган 60 ёш мутахассисга корхона ва ташки-

лотларда ишлаш учун йўланмалар берилди.

Бандликка қўмаклашиш маркази ходимлари ярмарканинг бошқа иштирокчиларига танлаган соҳалари бўйича ишга жойлаштириш юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар беришди.

Каримкул БОБОКУЛ ўғли.

ЎЗБЕКИСТОН — БАҒРИ КЕНГ ДИЁР

фиқлаштириш, ташкилий ва усулвий ёрдам кўрсатишга оид кенг қўламли чора-тадбирлар белгиланган. Уларнинг асосийлари вилоятимизда яшашган турли миллат ва элат вакиллариининг миллий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва аъёнларини сақлаб қолиш, баргиреклиги таъминлашнинг қарор топтиришдир.

Жойлардаги миллий-маданий марказлар "Миллат-

лараро тотувлик ва диний бағрикенглик", "Биз — бир халқимиз!", "Тинчлик ва барқарорлик — тараққиёт омили", "Ўзбекистон — умумий уйимиз" мавзуларида ташкил этаётган давра суҳбатлари, адабий-бадиий кеча ва учрашувларда миллатлараро тотувлик ва истиқлол йилларида эришилган ютуқларимиз ҳақида маърузалар қилинмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда Соғлом бола йили муносабати би-

лан шаҳар ва туманлардаги миллий-маданий марказлар ташкил этаётган тадбирлар ҳам эътиборга лойиқ. Хусусан, "Соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни", "Биз — ягона оила фарзандларимиз" мавзуидаги давра суҳбатлари, миллий маданий марказлар бадиий жамоалари ташкил этган концерт дастурлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

"Мамлакатимизда истиқо-

мат қилаётган ҳар бир миллат, элат эътибор ва ҳурматга муносибдир". Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари замирида чуқур маъно бор. Зеро, бағри кенг мамлакатимиздаги тинчлик ва хотиржамлик, кўп миллатли халқимиз манфаатлари йўлида амалга оширилаётган эзгу сазй-ҳаракатлар энг катта бойлигимиздир. Бунинг қадрига етиш, асраб-авайлаш миллат ва элатдан қатъи назар, ҳар биримиз учун юксак масъулиятдир.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Қарор ва ижро

Куз яримлади. Ҳавога тез-тез булут чиқиб, ора-сира ёмғир ёғиб, кунлар бир қадар совиди. Бу қиш яқинлигидан дарак. Бинобарин, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли тураржойларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари аллақачон якунига етказилган бўлиши лозим.

ҚОЗОНХОНАЛАР
ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАНДИ

Жумладан, Чирчиқ шаҳар "Иссиқлик энергияси" ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси ҳам барча объектларни мавсумга тайёрлаш чора-тадбирларини анча барвақт якунлади. Корхонанинг асосий муҳандислик коммуникациялари ва иншоотлари, ижтимоий соҳа ва уй-жой фонди объекталарини 2014-2015 йиллар куз-қиш

даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳақида тахририятга йўллаган маълумотномасида республика Президентини қарориде белгиланган вазифалар ўз вақтида бажарилгани қайд этилган.

Корхонамиз тасарруфиде 14 та қозонхона бўлиб, уларда 46 та қозон ўрнатилган, — дейди директор Собиржон Тўлаков. — Шунингдек, 104 километр иссиқлик узатувчи тармоқнинг 46 километри ер остидан ўтган. Чирчиқ шаҳар аҳолиси ва ижтимоий соҳа объектига иссиқлик энергияси етказиб бериш билан боғлиқ бар-



ча таъмирлаш ва соғлаш ишлари вақтида ва сифатли бажарилди.

Тақдим этилган маълумотномада келтирилишича, бу йилги куз-қиш мавсумида қозонхоналарнинг 2535 квадрат метрли том қисми мукамал таъмирланиб, режа юз фоз бажарилди. 14 та қозонхонанинг 12 таси, 46 та қозоннинг 32 таси режа бўйича жорий таъмирланди. 85 километр иссиқлик тармоғи жорий таъмирдан чиқарилиб, режадаги 4 километр ўрнига 4,18 километр иссиқлик тармоғи ўраб чиқилди. Натижада, 673 та қўп қаватли уй, 6 та

коллеж, 19 та мактаб, 24 та мактабга таълим ва 10 та даволаш муассасалари ҳамда яна 97 та ташкилотни иссиқлик энергияси билан таъминлаш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, республика Президентининг қарори асосида Чирчиқ шаҳри иссиқлик тизимини модернизациялаш ва ривожлантиришнинг экологик сан-

марали тизими лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш белгиланган эди. Уни амалга ошириш иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи қозонлар ва ёрдамчи ускуналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш, иссиқлик тармоқларини алмаштириш, марказий қозонхонадан узоқда бўлган истеъмолчиларни маҳаллий иссиқлик тизими таъминотида ўтказиш, шунингдек, барча истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш имконияти беради.

Самад Йўлдош.

Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят округлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Округ номи	Маркази	Маҳалли	Телефон рақами
АНГРЕН ШАҲАР			
1- "Ангрен"	Ангрен шаҳри Ёшлар маданият маркази биноси	Ангрен шаҳар, А. Навоий кўчаси, 15-уй	(0-595) 513-92-00
2- "Талаба-лар"	Ангрен шаҳри маиший хизмат касб-хунар коллежи биноси	Ангрен шаҳар, Чирчиқова кўчаси	(0-370) 662-77-40
3- "Нурчи"	Ангрен тиббиёт коллежи биноси	Ангрен шаҳар, Голорудин кўчаси, 1-уй	(0-370) 663-14-64
4- "Оқчи"	Ангрен кўмир саноати касб-хунар коллежи биноси	Ангрен шаҳар, Охангарон кўчаси, 5/2-дахаси	(0-370) 663-14-33
БЕКОБОД ШАҲАР			
5- "Металлург"	2-мактаб биноси	2-мактаб, Истиклол кўчаси, 11-уй	(0-370) 912-35-73
6- "Фархад"	3-мактаб биноси	3-мактаб, Ибрагимов кўчаси, 27-уй	(0-370) 912-17-10
ОЛМАЛИК ШАҲАР			
7- "Навруз"	Олмалик шаҳри "Олмаликшаҳаргаз" идораси биноси	Олмалик шаҳар, Фурқат маҳалласи, Ипак йўли кўчаси, 39-уй	(0-370) 61-4-27-16, (0-370) 61-4-42-19, (0-370) 61-4-24-05 (0-595) 515-30-17
8- "Олмалик"	Олмалик шаҳри "Металлург" маданият саройи биноси	Олмалик шаҳар, Бобур маҳалласи, А. Темур кўчаси, 42-уй	(0-593) 182-88-84
9- "Кимёгар"	Олмалик шаҳри "Кимёгар" маданият саройи биноси	Олмалик шаҳар, Увайсий маҳалласи, Примқулов кўчаси, 1-уй	(0-370) 61-3-82-29, (0-370) 61-3-88-86
ЧИРЧИҚ ШАҲАР			
10- "Чирчиқ"	Чирчиқ шаҳри Олимпия заҳиралари коллежи биноси	Чирчиқ шаҳар, Спортчилар кўчаси, 19-уй	(0-370) 71-5-41-32
11- "Саноатчи"	Чирчиқ саноат-иқтисодиёт касб-хунар коллежи биноси	Чирчиқ шаҳар, Эпик йиллик кўчаси, 14-уй	(0-370) 71-2-84-50
12- "Кимёгар"	Чирчиқ Кимёгарлар маданият саройи биноси	Чирчиқ шаҳар, Маданият кўчаси, 15-уй	(0-370) 71-5-31-85
13- "Трансформаторчи"	Чирчиқ шаҳар Офислар уйи биноси	Чирчиқ шаҳар, Истироҳат боғи кўчаси, 1-уй	(0-370) 71-8-34-75
БЕКОБОД ТУМАНИ			
14- "Бекобод"	Бекобод тумани қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи биноси	Бекобод тумани, Янги қўрғон қишлоғи, "Ўзбекистон" маҳалласи	(0-595) 512-25-83
15- "Зафар"	Зафар қўрғони Бекобод тумани педагогика коллежи биноси	Бекобод тумани, Зафар шаҳарчаси, "Бўстон" маҳалласи, Фарход кўчаси, 24-уй	(0-370) 93-52-124
16- "Далварзин"	Бекобод тумани Далварзин қишлоқ фуқаролар йиғини 11-мактаб биноси	Бекобод тумани, Далварзин қишлоғи, "Янгибозор" маҳалласи	(0-370) 93-53-396
БЎКА ТУМАНИ			
17- "Бўка"	Бўка тумани халқ таълими бўлими биноси	Бўка тумани, Ўзбекистон кўчаси, 13-уй	(0-370) 57-38-940
18- "Бўстон"	Бўка тумани Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғини идораси биноси	Бўка тумани, Бўстон қишлоғи	(0-594) 402-82-39
БЎСТОНЛИК ТУМАНИ			
19- "Ҳазалкент"	Бўстонлик тумани маданият ва спорт ишлари бўлими биноси	Бўстонлик тумани, Ҳазалкент шаҳри, Жамбул кўчаси, 1-уй	(0-370) 74-22-926
20- "Искандар"	Бўстонлик тумани Искандар қўрғони фуқаролар йиғини маъмурий биноси	Бўстонлик тумани, Товоқсой қўрғони, Турон кўчаси	(0-370) 74-32-585
21- "Чорбоғ"	Бўстонлик тумани Чорбоғ энергетика касб-хунар коллежи биноси	Бўстонлик тумани, Чорбоғ шаҳарчаси, "Бешлут" маҳалласи	(0-594) 414-00-74
ЗАНГИОТА ТУМАНИ			
22- "Назарбек"	Зангиота тумани агрономат касб-хунар коллежи биноси	Зангиота тумани, Назарбек қишлоғи, "Харахат" маҳалласи, Беруний кўчаси	(0-595) 143-73-91
23- "Эшонгузар"	Зангиота тумани 45-мактаб биноси	Зангиота тумани, Эшонгузар қишлоғи, Навоий маҳалласи	(0-594) 602-98-10
24- "Узгарчи"	Зангиота тумани "Узгарчи-СадафАгро" ММТП маъмурий биноси	Зангиота тумани, Узгарчи қишлоғи, "Пастдархон" маҳалласи, Наврози кўчаси	(0-594) 632-04-85
25- "Ўрташув"	Зангиота сизик-овқат касб-хунар коллежи биноси	Зангиота тумани, Эркин қишлоғи, "Қаҳрамон" маҳалласи	(0-593) 590-59-57
26- "Юмобод"	Зангиота тумани иқтисодий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи биноси	Зангиота тумани, Юмобод қишлоғи, Чилкент йўли кўчаси, 2-уй	(0-371) 225-71-75
27- "Келес"	Келес шаҳри туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази биноси	Зангиота тумани, Келес шаҳри, "Уч сада" маҳалласи, Бирламчи кўчаси, 19-уй	(0-370) 96-58-076
28- "Қизилдоқ"	Зангиота тумани 56-мактаб биноси	Зангиота тумани, Қизилдоқ қишлоғи, К. Ғофуров кўчаси	(0-598) 125-38-09
КИБРАЙ ТУМАНИ			
29- "Ўнқўрғон"	Кибрай тумани Ўнқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси	Кибрай тумани, Ўнқўрғон қишлоғи, "Ўнқўрғон" маҳалласи, Охунбобоев кўчаси, 100-уй	(0-590) 901-80-02
30- "Чинобод"	Кибрай тумани Чинобод қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси	Кибрай тумани, Чинобод қишлоғи, "Чинобод" маҳалласи, Чинобод кўчаси, 47-уй	(0-594) 696-03-46
31- "Янгибод"	Кибрай тумани Янгибод қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси	Кибрай тумани, Янгибод қишлоғи, "Тўйтапта" маҳалласи, Дўстлик кўчаси	(0-595) 144-51-72
32- "Байтўрғон"	Кибрай тумани Байтўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси	Кибрай тумани, Байтўрғон қишлоғи, "Қўприк боши" маҳалласи, Нодирабегим кўчаси, 13-уй	(0-370) 95 72-002

Округ номи	Маркази	Маҳалли	Телефон рақами
КУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ			
33- "Дўстобод"	Куйи Чирчиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-хунар коллежи биноси	Куйи Чирчиқ тумани, Дўстобод шаҳри, Бегимкулова кўчаси, 125-уй	(0-370) 56-72-108
34- "Ўзбекистон"	Куйи Чирчиқ тумани Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғини, "Пахтазор" маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биноси	Куйи Чирчиқ тумани, Ўзбекистон қишлоғи, "Пахтазор" маҳалласи, Тошкент кўчаси, 1-уй	(0-370) 56-72-123
ОҚЎРҒОН ТУМАНИ			
35- "Олимпент"	Оқўрғон тумани Олимпент кўрғони 3-мактаб биноси	Оқўрғон тумани, Олимпент кўрғони, Мустақиллик кўчаси	(0-370) 55-35-805 (0-590) 322-71-71
36- "Оқўрғон"	Оқўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи биноси	Оқўрғон тумани, "Шоҳруҳия" қишлоғи, "Хосиддор" маҳалласи 1-бўлими	(0-590) 935-82-12
ОХАНГАРОН ТУМАНИ			
37- "Корайитой"	Охангарон тумани 12-мактаб биноси	Охангарон тумани, Корайитой қишлоғи, "Ўзбекистон" маҳалласи	(0-593) 187-03-09
38- "Телов"	Охангарон тумани 38-мактаб биноси	Охангарон тумани, Телов қишлоғи, "Телов" маҳалласи	(0-593) 608-14-81
39- "Охангарон"	Охангарон тумани болалар мусика ва санъат мактаби биноси	Охангарон тумани, Охангарон шаҳри, Охунбобоев маҳалласи	(0-593) 701-70-75
ПАРКЕНТ ТУМАНИ			
40- "Паркент"	Паркент тумани Ичкиқўрғон кўчаси 5-уй биноси	Паркент тумани, Ичкиқўрғон кўчаси, 5-уй биноси	(0-370) 72-21-551
41- "Бойқозон"	Паркент тумани 31-мактаб биноси	Паркент тумани, Бойқозон кўрғони, М. Юсуф кўчаси, 1-уй	(0-370) 72-27-127
42- "Заркент"	Паркент тумани иқтисодий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи биноси	Паркент тумани, Шампан қишлоғи, Маърифат кўчаси	(0-370) 75-82-141
ПИСКЕНТ ТУМАНИ			
43- "Пискент"	Пискент агросаноат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи биноси	Пискент тумани, Бирлик даҳаси	(0-370) 54-51-485
44- "Кориз"	Пискент тумани 28-мактаб биноси	Пискент тумани, Кориз қишлоғи, Ўрташув	(0-590) 972-39-80
ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ			
45- "Қумовул"	Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси	"Бектемир" маҳалласи, Яшил водий кўчаси	(0-590) 330-38-80
46- "Қорасув"	Ўрта Чирчиқ тумани Қорасув қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси	"Қорасув" маҳалласи, Тошкент йўли кўчаси, 109-уй	(0-371) 76-21-193, (0-590) 910-81-80
47- "Тўйтапта"	Ўрта Чирчиқ тумани 4-мактаб биноси	Тўйтапта шаҳри, Оқил Шарофуддинов кўчаси, "Обод туризм" маҳалласи	(0-371) 76-21-485
48- "Истиқлол"	Ўрта Чирчиқ тумани Истиқлол қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси	Истиқлол қишлоғи, Тошкент йўли кўчаси, 29-уй	(0-371) 76-44-678, (0-590) 970-79-47
ЧИНОЗ ТУМАНИ			
49- "Чиноз"	Чиноз тумани газначилик бўлими биноси	Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Ҳамза маҳалласи, Бобур кўчаси, 27-уй	(0-594) 943-80-39
50- "Олмазор"	Чиноз тумани 15-мактаб биноси	Чиноз тумани, Ўзбекистон қишлоғи, "Чорвадор" маҳалласи, Ю. Каримов кўчаси, 6-уй	(0-594) 932-57-37
51- "Эски Тошкент"	Чиноз тумани 27-мактаб биноси	Чиноз тумани, "Эски Тошкент" қишлоғи, "Аҳиллик" маҳалласи, Самарқанд кўчаси, 153-уй	(0-594) 933-23-87
ЮКОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ			
52- "Янгибозор"	Юкори Чирчиқ тумани Янгибозор маданият уйи биноси	Юкори Чирчиқ тумани, Янгибозор кўрғони, Мустақиллик кўчаси, 47-уй	(0-370) 98-31-102, (0-591) 184-80-80
53- "Дўстлик"	Юкори Чирчиқ тумани Бордонқул қишлоқ фуқаролар йиғини биноси	Юкори Чирчиқ тумани, Бордонқул қишлоғи, "Дўстлик" маҳалласи, Янги ҳаёт кўчаси	(0-590) 356-85-77
54- "Жумабозор"	Юкори Чирчиқ тумани "Жумабозор" маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биноси	Юкори Чирчиқ тумани, Арғани қишлоғи, "Жумабозор" маҳалласи, Тадраркуз кўчаси	(0-370) 98-34-864, (0-590) 922-82-57
ЯНГИЙҮЛ ТУМАНИ			
55- "Янгийўл"	Янгийўл шаҳри 64-мактаб биноси	Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, "Мезон" маҳалласи, Самарқанд кўчаси, 120-уй	(0-370) 80-2-33-07
56- "Янги ҳаёт"	Янгийўл шаҳри Янгийўл технологик-иқтисодиёт касб-хунар коллежи биноси	Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, "Рамадон" маҳалласи, Самарқанд кўчаси, 403-уй	(0-370) 80-2-61-84
57- "Ифронтепа"	Янгийўл тумани, Янгийўл қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-хунар коллежи биноси	Янгийўл тумани, А. Ортиқов қишлоғи, Саид ота маҳалласи	(0-590) 922-87-08
58- "Нивёзаш"	Янгийўл тумани, "Баркамол алод" маркази биноси	Янгийўл тумани, Нивёзаш қишлоғи, "Гулистон" маҳалласи, Б. Мирзахамедов кўчаси, 18-уй	(0-593) 601-87-83
59- "Гулбаҳор"	Янгийўл тумани Гулбаҳор сановат касб-хунар коллежи биноси	Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, "Гулбаҳор" маҳалласи, Ш. Рашидов кўчаси, 6-уй	(0-370) 80-6-27-53
60- "Шўралисой"	Янгийўл тумани Шўралисой педагогика коллежи биноси	Янгийўл тумани, Шўралисой қишлоғи, "Шўралисой" маҳалласи, Шўралисой кўчаси, 1-уй	(0-595) 513-09-80

ЭНГ БЕНАЗИР БОЙЛИК

Жумладан, Зангиота туманидаги 1-Келес поликлиникасида 20 шифокор, 44 ҳамшира худуддаги 22 мингдан зиёд аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. 13 минг 461 фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Абдурахмонов, Дадажонов кишлоқ врачлик пунктларига ҳам ёрдам берилиб, шу ёрлик аҳолининг 1969 нафари текширилиб, касаллик аниқланганларини даволаш чоралари кўрилди. Кексалар, беморлар, имконияти чекланганлар ҳам четда қолмади.

Поликлиника Келес шаҳридаги 8 та маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик ўрнатиб, патронаж ҳамширалар маҳалла маслаҳатчилари билан бир-

(Давоми. Боши 1-бетда).



Фотобиеннале – 2014

ТАСАВВУР ВА БОРЛИК

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида фотобиеннале асарларининг катта намоиши билан бошланган VII анъанавий Халқаро Тошкент фотобиеннале-сининг асосий мавзуси "Ўшашлик. Тасаввур ва Борлик" деб номланди. Соғлом бола йилига бағишланган "Болалик майдони" кўргазмаси ҳам шу фотобиеннале доирасида ўтказилди. Кўргазмада 30 дан ортиқ давлатнинг етук фоторассомлари асарлари билан қатнашди.



Кўргазмага тавсия этилган фотосуратлар пойтахтимизнинг Иқоу Хирояма маданият карвонсаройи, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, Тошкент фотосуратлари уйи, Амалий санъат музейи, К. Бехзод мемориал бог-музейи, "Дархон" бизнес-маркази ҳамда Бухорода намоиш қилинди.

Пойтахтдаги Ёшлар ижод саройида ўтказилган "Болалик майдони" кўргазмасида ёш фоторассом Фарход Каримовнинг "Суқоқлик мактаб" ўқувчиси (фотобиенналенинг Гран-приси билан тақдирланди), Ирина Сухинанинг Бўстонлик болалари ва мактаб ўқувчилари тасвирига таъриқланган фотосуратлари кўпчиликлда ки-зикиш уйғотди. Устоз фоторассом Владимир

Соколовнинг Суқоқ табиати ва болаларга бағишланган "Тог болалари" туркумидаги 4 та фоторассомларини муҳлислар завқ билан томоша қилишди. Ёш фоторассом Светлана Янчукнинг Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида намоиш этилган "Чорвоқ-Чирчиқ оралиғи", Тошкент фотосуратлари уйида намоиш этилган ёш фоторассомлар Умида Абдуразақованинг Зангиота тумани ҳамда Нигина Мавлонбердиеванинг Ангрэн табиати бағишланган фотосуратлари томошабинларни бефарқ қолдирмади.

Фотобиенналенинг ёпилиш маросимида ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Олмазор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган "DOCTOR LIGHT" (ИНН 2017199612) МЧЖнинг устав жамғармаси 30 000 000 (ўттиз миллион) сўмдан 10 924 000 (юн миллион) тўқиз юз йигирма тўрт миң) сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: 584-80-26.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан 07.10.2014 йилда № 010255-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "DENTAL CARE PLUS" МЧЖ Тошкент шаҳар Яхкасарой тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан 30.04.2008 йилда № 003787-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "DILFUZA STOMATOLOG" МЧЖни ўз сафига бириштиришини маълум қилади. "DENTAL CARE PLUS" МЧЖ "DILFUZA STOMATOLOG" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

О'зLDeP Тошкент вилояти кенгаши Қибрай туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари Зарофат Муҳамедовага волидай муҳтарамаси Карима ОДИЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Саломатлик сектори

бўйича ишлаб, оналар,

болалар, ҳомиладор аёл-

лар, ўсмирлар, кекса-

лар соғлигидан мунтазам хабардор бўлиб туришибди. Туман Давлат санитария-эпидемиоло-

гия назорати маркази гепатитга қарши берган вакцина билан Келес худудидидаги юздан ортиқ

кам таъминланган оилалар фарзандлари эмланди.

– Соғлом бола йилида тиббий кўриқлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратаймиз, – дейди 1-Келес поликлиникаси бош шифокори, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты Доно Пўлатова. – Шу билан бирга болалар саломатлиги учун муҳим саналган мактаб, мактабгача таълим муассасалари ошхоналарининг ҳолати, таъминотнинг сифатини мутасадди идоралар билан бирга назорат қилиб борамиз.

Поликлиниканинг моддий-техник базаси ҳам янгилашмоқда. Тахлилхона, УЗИ, рентген аппаратлари ёрдамида беморларга тўғри таъхис қўйилмоқда. Замонавий стоматологик асбоблар олинди.

Нозима АРСЛОНОВА.

Ҳаёт сабоқлари

Гапдан гап чиқиб, ҳамқишлоғим Исматила ота ўзи билан боғлиқ бир воқеани гапириб қолди:

– Ёлғиз ўғлимизни уйлантирган пайтларимиз. Ёз оқшомларининг бирида онаси ва икки-уч ҳафталик келинимиз билан кечга яқин ҳовлидаги супада овқатланиб ўтирсак, ўғлимиз Ҳикматилла ишдан келиб қолди. Бир қўлида тарвуз, иккинчисидан тўртта нон.

– Бугун маош олдик, – деди у биз билан сўрашиб, ёнимизга ўтираркан. Сўнг чўнтагидан бир даста пулни чиқарди-да... келинга юзланди: – Ма, уйга олиб кириб қўй...

Онаси билдирмади, аммо менинг ичимда бир нима "чирт" этиб узилгандек бўлди. Воқеа, шунда бундан чамаси ўттиз беш йиллар аввалги манзара кўз олдимда гавдаланди... Ушанда ҳам ёз оқшо-

ми эди. Янги куёвлигимда қолхос фермасида иш бошлагандим. Маош олган куним кечга яқин уйга қайтсам, раҳматли отам билан онам равонда қақчақла-

бор эди. Хонтахтанинг бир четига қўйдим-у, киссамдан маошимни чиқариб, хотинимга бердим:

– Ма, уйга олиб кириб қўй...

Отам билан онам бир-бирларига маънодор қараб қўйишди. Бу имони: "Бунча пулни қаердан олдинг?" дегандек тушуниб, ўзимча изох бергандим: – Бугун ойлик беришувди...

Эсиз, ота-онамнинг кўнгли қанчалар зил кетганини энди ўзим ҳам ҳис қилиб турибман. Ахир, ота-онам тирик эди, бирга яшарди-ку, мен нодон ўшанда маошимни уларга берсам бўлмасмиди?...

Айтгандай, сиз ҳам ота-онангиз билан турасиз-а? Маошингизни кимга берасиз?

... Исматила отанинг бу саволига дафъатан жавоб беролмай, гапни бошқа ёққа бурвордим. Муҳаммад АЪЛО.

шиб, келинларининг (яъни аёлимизнинг) қўлидан чой ичиб ўтиришган экан. Саломлашиб асносида нимадир деб ҳазил қилдим ўзимча. Янглишмасам, қўлимда тўртта нон ҳам

Олов – тилсиз ёв

ЭҲТИЁТКОР БЎЛАЙЛИК

Юртимизда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсидида ёнган хавфсизлиги хизмати томонидан аҳоли яшаш жойларида текширув ишлари амалга ошириляётир.

Бўстонлик тумани, Нуруний кўчасида ҳаракатланиб келаятган "Дамас" автоуловларининг мотор қисмидаги электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнғин содир бўлган. Аввал салонда пайдо бўлган тутун қисқа вақт ичида аламанга айланган. Ҳайдовчи дарҳол транспорт воситасини тўхтатиб, ёнғин ҳақида "101" хизматида хабар қилганлиги ҳамда воқеа жойига ёнғин қўриқувчиларининг етиб келганлиги натижа-сида ёнғин бартараф этилган.

Паркент туманида

яшовчи фуқаро Бурхоннинг уйда электр симларининг қисқа туташуви натижасида содир бўлган ёнғиннинг 120 кв.м майдондаги жиҳозлар ва қурилиш қисмларига зарар етказди.

Бундай кўнгилсизликлар содир бўлмаслиги учун фуқаролардан ҳушёрлик, мавжуд қоидаларга риоя қилиш, транспорт воситаларини мунтазам техник кўриқдан ўтказиб туриш ва эҳтиёткорлик талаб этилади.

Наргиза АСАДОВА, "Туркистон-пресс" мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан "PRIME CERAMICS" МЧЖ ХК номига 29.10.2013 йилда берилган № 4951-сонли хорижий ишчи кучини жалб қилиш тўғрисидаги рухсатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "ERTA" МЧЖга таъин қилинган думалок муҳр ҳамда бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан 08.10.2014 йилда № 009485-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "DILYARA DENTAL" МЧЖ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан 19.01.2010 йилда № 005385-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "FADIL DENTAL" МЧЖни ўз сафига бириштиришини маълум қилади. "DILYARA DENTAL" МЧЖ "FADIL DENTAL" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

ООО "SERGELI QURILISH MATERIALLARI VA KONSTRUKTSIYALARI ZAVODI" (ИНН 200641431), зарегистрированное ИПСР Сергелийского района г. Ташкента за реестр № 000041-06, расположенное по адресу: Сергелийский район, 3 тупик Даре Були со-общает об уменьшении уставного фонда с 22 425 000 сум до 21 055 954 сум. Претензии принимаются по телефону: (+99894) 698-60-41.

Утерянуто круглою печать и угловой штамп на ООО "INDIVIDUAL COSMETIC LABORATORY TASHKENT" Мирабаского района г. Ташкента, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Тошкент вилояти Оқўрғон тумани ТСРҲИ томонидан 24.07.2013 йилда гувоҳнома рақами № 110/1937 билан рўйхатга олинган Наширов Дoston Аъзам угли номидagi "AZAM DOSTON FAYZ" (ИНН 302667734) деҳқон хўжалиги ш фаолиятини қоритиш учун банкдан кредит ололмаганлиги сабабли иш-тирий ТУГАТИЛАДИ (асс: 14.10.2014 йилдаги 2-сонли баённома).



ЖАВОБГАРЛИКНИ ЗИММАСИГА ОЛДИ

Қобул шахри кўчаларидан бирида бораётган соқчилар отрядига террорчи бошқарган машина келиб урилиши оқибатида портлаш юз берди.

Reuters агентлигининг ёзишича, тўқнашув натижа-сида бир киши ҳаётдан кўз юмди. Ушбу фожиа Америка ҳарбий базаси, БМТ би-

носи ва бир қатор халқаро ташкилотлар жойлашган даҳага олиб боровчи Жалолобод йўлида содир этилди. Террорчилик ҳара-

кати оқибатлари учун жа-вобгарлиқни толибонлар ўз зиммаларига олишди.

Мамлакат ички ишлар вазири ўринбосари Аюб Салангий тўқнашув жойида ҳақиқатан ҳам бир киши вафот этгани ва яна уч киши жароҳат олганини таъкидлади.



САЙЛОВ ҒОЛИБИ МАЪЛУМ

Боливиянинг амалдаги президенти Эво Моралес яқшанба кўни бўлиб ўтган сайловларда ишончли ғалабани кўлга киритди, деб хабар тарқатди Reuters агентлиги.

рақиб Самуэль Дориа Мединага 24 фоиз сайловчи овоз берди. Сайловларда президент лавозимини учун 5 даъвогар кураш олиб борди.

Боливия қонунчилигида мувофиқ, президент лавозимига даъвогар сайловда

ғолиб чиқиш учун камида 40 фоиз овоз олиши ва яқин рақибини 10 фоизга ортда қолдириши лозим. Агар Моралес ғалаба қозонса, у Боливия тарихида кетма-кет учинчи марта мамлакат раҳбарлигига сайланган президенти бўлади.

ЛИБЕРИЯДАН ЭБОЛАНИ ЮҚТИРИБ КЕЛИБДИ

АҚШнинг Массачусетс штатидаги Брейнтри шахри тиббиёт маркази Эбола безгагида чалинганликда гумон қилиб, ётқизилган бемор сабабли карантинга тушиб қолди.

The Boston Globe нашрининг хабар қилишича, ушбу бемор яқинда Либериядан қайтиб келиб, боши ҳамда мушаклари оғриётганидан шикоят қилган эди. АҚШ президенти Барак Обама ҳукуматга тиббиёт муассасалари Эбола хасталигига чалинган беморларни даво-

лашга зудлик билан тайёрланиши учун қўшимча чоралар қўришлари ҳақида топшириқ берди.

АҚШда 8 октябрь кўни Эбола вирусидан бир киши ҳалок бўлди. У Либериядан Техасга ўз опасини кўрган келган 42 ёшли шахс эди. У ўлган шифохона ходими

ҳам Эбола вирусини юқтириб олди.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, шу кунгача Эболага чалинганлар 8470 кишига етди. Улардан 4076 киши ҳалок бўлди.



«ВОНФОН» ТЎФОНИ ХУРУЖИ

Япония жанубидаги Окинава префектурасининг 138 мингдан зиёд аҳолисида "Вонфон" тўфони хуруж қилаётган жойлардан кўчиш тавсия этилди.

Маҳаллий маъмурият хабарида келтирилишича, мамлакат жанубидаги 50 мингдан зиёд уй электр симлари узилиб кетгани учун чироқсиз қолди. Окинава префектурасида камида 20 киши турли даражада жароҳат олди. Ушбу префектурада кейинги кеча-кундузда 300 миллиметр қалинликда ёнғир ёғиши кутилмоқда.

Метеорологларнинг баҳо беришича, "Вонфон" бу йилги мавсумдаги энг кучли тўфондир. Аввалги худди шундай тўфон 6 кишининг умрига зомин бўлиб, 50 кишига жиддий шикаст етказган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Тошкент воҳасининг ҳад-ҳудудсиз кенгликлари ўз қаърида озмунча жумбоғу сир-синаотларни пинҳон сақлаётгани йўқ. Уларнинг айримларини мутахассис олимлар тинимсиз тадқиқотлари са-

қолишдир. Зеро, уларнинг барчасида тарих яширин.

Оқўрғон тумани маркази яқинида, Султонобод қишлоғи ҳудудида Ғойиб отанинг кўҳна қабри сақланиб қолган. Эски қаб-

кент вилояти ҳудудининг ўзида 7 та Ғойиб ота қабри бор. Қазоларидан сўнг, ё сирли равишда ғойиб бўлган, ёки одамлар кўз ўнгиди йўқликка сингиб кетган табаррук зотларни шундай аташган.

ТАРИХИМИЗ ТАМАЛ ТОШЛАРИ

мараси сифатида бизга етказмоқдалар. Аммо бизнинг бу кўҳна заманимиз яна қанчадан-қанча сир-синаот, афсонаю ривоятларни бағрида сақламоқда экан?

Саноғи йўқ катта-кичик кўҳна гўртепалар қолдиқлари, инсон қўли билан бунёд этилган бошқа қурилмалар мавжудлигига узок болалик йилларимизданоқ гувоҳ бўлиб келаяпмиз. Улар бизни ўзларига ром этишган, ҳузурларига чорлашган.

Бугунги кунда эса ўтмишдан қолган бундай кўҳна кўргонларнинг аксарияти йўқ бўлиб кетди. Уларнинг кўпи бузилиб, текисланиб, ҳайдалиб, экин майдонларига қўшиб юборилди. Яна бир қанчаси эса бошқа сабаблар билан ер юзидан йўқолиб кетди. Аммо бизгача етиб келганлари ҳам оз эмас. Мўҳими эса, энди ҳар бир кўҳна шахар қолдигини, ҳар бир қадимий тепаликни бор ҳолича сақлаб

ристон ўртасида жойлашган ушбу муқаддас қадам-жога қадим замонлардан буён одамлар сиғиниб келишган. Бу ерларга, мана бир неча асрдирки, зиёратчилар таширғи буюришди. Улар Аллоҳдан мушкулларини осон қилишни, тинчлик, омад ва, албатта, фарзанд неъматини тилайдилар.

Табаррук зот қабридан бир неча қадам нарида иккита гўзал кўргон кўзга ташланган. Бу икки кўҳна шахар қолдиқлари ҳамон тадқиқотчиларни қутиб ётди. Чотқол-Курама археология отряди 1966 йилда уларни тарихий ёдгорликлар қаторига қўшган. Вақти-вақти билан ўтказилган разведка ишлари ақун ва хулосасига кўра, улар VI-VII асрларда бунёд этилгани қайд қилинган.

Узоқ ўтмишда бу жойларга қадамлари етиб, яшаб қолган табаррук шахслар халқда Ғойиб ота номини олган. Фақат Тош-



Одатда бундай зотларнинг қабрларида жасад қолдиқлари бўлмайди.

Кучли илоҳий қувватга эга чинакам табаррук зотларнинг қадамжоларида бўлган киши руҳи тетиклашганини, кучига куч қўшиганини, ички дунёси ўзгариб, қалби янада покланганини ҳис этади.

Султонобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида-

ки Кераит қишлоғи оқсо-

қоллари ва ёшлари бугун-

га келиб, Ғойиб ота қа-

дамжосини қайта тиклаш-

га қарор қилдилар. Тари-

хий ёдгорлик ва муқаддас

қадамжоларни тиклашга

бундай ёндашув, кишини

хурсанд қилади, ва энг

муҳими, бу хайрли иш

қўллаб ташкилотлар ва

хусусий шахслар томони-

дан қизғин қўллаб-қувват-

ланишига ишонч уйғота-

ди.

Қўллаб юртдошлари, ва

айниқса, ёшлар авлодлар

эстафетасини келажак

сари дадил элтаётганла-

рини кўриб, ҳис этиб тур-

ган кексаларимизнинг

диллари яйраб, юзлари

ёришади. Авлодлар ме-ро-

си ота-боболар учун катта

муқофот. Бу аввало, улар

меҳнатининг эътирофи.

Зотан, айнан шу хурматли

кексалар Ғойиб ота қабри-

ни узоқ йиллардан буён

авайлаб-асраб келдилар.

Бугунги ёш авлод эса

донот ота-боболаримиз-

нинг ушбу мурувватлари

билан муқаддас қадамжо-

га янгича қиёфа бахш эти-

ши лозим. Бу юксак ишонч

ва шарафли ишдир.

Хайрли ишлар ҳар

доим халқ қалбиде мин-

натдорлик ҳис-туйғуларини

уйғотган ва янги-янги

ташаббуслар сари унда-

ган. Бу аслида тарих

аталиши махобатли бино

деворига қўйилган пишиқ